



Норвегия тарихида биринчи марта халол гўшт тайёрлаш йўлга кўйилди. Ўтган илии декабр ойи Нур-Трёнделаг губерниясида шариат коидаларга кўра 100 та бугу забх килиниб, уларнинг гўшти халол сертификатини олди, деб хабар килади Russisk.org. Бу халол гўштларнинг асосий кисми Ослода колган кисмлари эса Дубайга юборилиши эҳтимоли бор. Норвегияликларнинг уддабуронлигига коил колмай иложимиз йўқ. Гўштни халол килиб тайёрлаш саам-бугучиларга катта фойда келтрилиши мумкин. Улар энди ўз маҳсулотлари билан ўз фукароларини таъминлаши билан бирга ташки бозорга чикишлари хам мумкин.

"Бу маҳсулот - бугунинг халол гўштини - олдинлари мусулмонлар топиши мушкул эди. Менга бугунинг гўшти роса ширин эканини айтишган эди. Бирок ўзим уни олдин тотиб кўрмаган эдим", дейди Норвегия Ислом кенгашининг бош котиби Мехтаб Афсар. Бу хайвонларни сўйиш, худди бошка хайвонларни сўйиш кабидир, яъни мусулмон кассоб, керакли калималарни айтиб, (шариат талаб килган бошка нарсалар билан) сўяди, деб тушунтиради Афсар.

"Биз бир йилдан ортик ушбу тажриба лойихага тайёрландик, Норвегия Ислом кенгashi билан алокага чикдик. Норвегия халол бозорига чикишимиз учун булар трамплин бўлишига умид киламиз", деди фирма раҳбари Харри Дирстад.

Шариат коидалари асосида забх килинган гўштлар маълум кисми Дубайнинг муҳташам ресторонларига юборилади. Дирстад Норвегия бугусини февралда бўлиб ўтадиган кўргазмада тақдим килмокчи. "Йирик ресторонлар тезда алокага чикишди, бирок уларга факат халол гўшт керак экан", деб кўшимча килиб кўйди у.

Абу Муслим